

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил 5 сон



Бош мұхаррір: Наманган давлат университети ректори С.Т.Турғунов

Масъул мұхаррір: Илмий ишлар ва инновациялар бүйіча проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул мұхаррір үринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаши бўлими бошлиги Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аззамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад. С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц. А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: - акад. А.Аскаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: - и.ф.д., проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. О.Одилов.

Фалсафа фанлари: - акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: - акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф. С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н., доц. М.Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф. А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф. Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: - б.ф.д. Ф.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари - п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник мұхаррирлар: Н.Юсупов, Г.Акмалжонова

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уичи кўчаси, 316-й.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс: (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmij@inbox.uz**

Уишу журнал 2019 йилдан бошлиб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Министрият ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08 0075 рақамли гувоҳномаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида мұхокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишига руҳсат этилган (Баённома № 5). Мақолаларнинг илмий савияси ва көлтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021

**АБУ НАСР АЛ-ФАРОБИЙ, АБУ АЛИ ИБН-СИНО, САФИУДДИН АЛ-УРМАВИЙ
ВА АБДУРАХМОН ЖОМИЙЛАРНИНГ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРИ.**

Маҳамматов Абдуманнон – ЖДПИ, Мусикий таълим кафедраси катта ўқитувчи,
Абдурахимов Аъзам, Холбеков Мингжигит- кафедра ўқитувчилар

Аннотация: Ушбу мақолада мусиқашунос мутафаккир олимларнинг илмий – назарий қарашлари, ўтмиши мусиқа санъатининг ўзига хос ҳусусиятлари, мусиқа назариясининг яратилиши тарихи унинг тарбиявий аҳамияти ҳақида мавлумотлар жамланган.

Таянч иборалар: Монодия, мусиқа санъати, “илми таълиф”, “илми иқъсъ”, жинс, товушқатор, тетрахорд, пентахорд, жам, қайгу, қувонч, тушкунлик, умид, шижоат, жасурлик, оҳанг, ритм, мақом, шашмақом.

Аннотация: В статье собраны сведения о научных и теоретических воззрениях музыковедов, особенностях музыкального искусства в прошлом, истории развития теории музыки и ее воспитательном значении.

Основные фразы: монодия, музыкальное искусства, «наука сочинения», «науко ико», пол, вокалист, тетрахорд, пентахорд, джем, печаль, радость, депрессия, надежда, отвага, храбрость, мелодия, ритм, маком, шашмак.

¹⁶Ахмедов Т. Миллий давлатчилигимиз тарихида кенгаши, машварат ва маслаҳат. –Т.: Зарқалам, 2006. –Б. 6-12.



Annotation: This article contains information about the scientific and theoretical views of musicologists, the peculiarities of the art of music of the past, the history of the creation of music theory and its educational significance.

Key words: Monodony, the art of music, "science", gendir, vocal, tefrachord, pentochord, jam, sorrow, joy, depression, hore, courage, tone, rhythm, status, haste.

Ўрта асрларда яратилган илмий-назарий асарлар мусиқа санъатининг монодия (якка овозли) табиатига асосланган эди. Фаробий ва Абу Али ибн-Синодан сўнг уларнинг ишларини Сафиуддин Урмавий Абдулқодир Марогий, Қутб ал Мавсилий, Қутбиддин аш-Шерозий, Зайнулобиддин ал-Хусайнний, Абдураҳмон Жомий, Нажмиддин Кавкабий ва Дарвешали Чангийлар ва бошкалар давом эттиридилар ханда Шарқ нота ёзувига асос солдилар. Уларнинг ичидаги Хусайнний, Жомий ва Чангийларнинг олиб борган илмий изланишлари, улар ўзларидан олдин яшаб ўтган алломалар ижодини бевосита ўрганиб, танкид қиласаларда, нихоятда самарали бўлди.

Абдураҳмон Жомий илмий-музиқий рисоласида мусиқий товушларни таҳдил қилиш учун икки йўналиш, яъни "илми таълиф" товушларнинг ўзаро муносабати, товушқаторларни ўрганишига, "илми иқоъ" эса ритм ҳақидаги таълимотлардан иборат эди. Жомий ҳам ўтмишдошлари каби овозларнинг интервал холдаги ўзаро муносабатларини беради, уларни торнинг қисмлари нисбатидан чиқарган ҳолда асосий жинс – товушқатор (тетрахорд ва пентахорд) ларни ташкил қилиши ҳамда улардан жам (парда) лар ташкил этиши усулини кўрсатади.


Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа маҳсулни бўлган ўн икки мақом яратилишидан келиб чиқиб, Жомий асосий товушқаторларни ўн етти пагонали гамма ҳосил килувчи ўн етти бўлакка бўлади. Жомийнинг "Рисолаи дар илми мусиқий" (Мусиқа илми ҳақида рисола) номли илмий-музиқий асарида мусиқага назарий тавсифлар берилган бўлиб, унинг кириш қисмida мусиқа санъатининг катта психологик-рухий аҳамияти, унинг тингловчиларда қайгу-қувонч, тушкунлик ёки умид сингари қайфиятлар ҳосил қила олиши тўғрисида, асарнинг хотима қисмida эса, у муайян пардаларнинг тингловчиларга таъсири ҳақида сўз юритиб, уларни қуидаги 4 тоифага ажратади:

1. Шижаат ва жасурлик руҳини уйғотувчи оҳанглар.
2. Хурсандчилик ва қувонч руҳини уйғотувчи оҳанглар.
3. Қайгу ва алам (изтироб) руҳини уйғотувчи оҳанглар.
4. Хазин ва маъюслик руҳини уйғотувчи оҳанглар.

Жомий оҳангларни инсон ҳиссиётига таъсир этишига кўра таснифлар экан, 12 мақом, 6 овоза ва 24 шўъбадан ташкил топган 42ta оҳантдан 38тасини қайд этади. Жомий ушбу асарида бундан ташқари ўша давр профессионал мусиқачилари орасида тарқалган ва умумий мусиқа сабоги саналган 19 та жўр ритм, ёки ритмик доираларни санаб ўтган. Унинг таълимотига кўра товуш пагоналарининг жойлашиши қуидагича:



Хусайнин мақомининг товушқатори



(А Ж Х Х Й Йб Йх Йх)².

0—180—294—498—678—792—996—1200
180 114 204 180 111 204 204

Мухайяр щўъбасининг товушқатори



(А Ж Х Х Йа Йж Йх Йх)


0—180—294—498—702—882—996—1200
180 114 204 204 180 114 204

(Сафиуддин ал-Урмавийнинг нота ёзув системаси мусиқа истилоҳида “табулатура” деб аталувчи нота ёзуви турининг кўриниши. Товушлар оралигидаги масофа, яъни интерваллар бу ерда центларда берилган).

Ўрта Осиёнинг бошқа олимлари мусиқий рисолаларида каби Абдурахмон Жомийнинг юқорида қайд қилинган рисоласида хам космологик гоялар учрайдики, ушибу ғояга мувоғиқ мусиқа табиат гармонияси эканлиги, унинг илоҳий қудратта эга эканлиги, у жамиятнинг ахлоқий нормалари асосларини ўзида ифодалаши тўғрисидаги гояларни ўз ичига олади. Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн-Сино, Сафиуддин ал-Урмавийнинг илмий –мусиқий асарларида курсатилган коидаларни купрок такрорлаган холда Абдурахмон Жомий уларнинг асарларида хукумрон бўлган математик услугуб ва йўналишлардан фарқли равишда у мусиқачининг «соглом ҳиссияти» та мурожаат қилиб, назариядан амалиёт томон «кўпrik» ташлайди. Бу жиҳатдан унинг қарашлари Аристокен қарашларига тўғри келади.

Мусиқанинг назарий асоси бўлмиш нота ёзувини яратишга бўлган уриниш биз юқорида кўриб чиққанимиздек фақаттина Ўрта Осиёда эмас, балки жаҳоннинг турли мамлакатларида ҳам бўлган. Жумладан цивилизация ўчоқлари бўлмиш Юноистон, гарбий славянлар, Хиндиистон ва Хитойда ҳам бундай уринишлар мавжуд эди.

Дастлаб қадимти Грецияда пайдо бўлган мусиқий товушларни ҳарфлар билан белгилаш системаси даврлар оша лотин ёзуви билан алмашди. Бундай система ҳозирда ҳам сақланиб қолди. Масалан: “до” товуши “C”, “ре” товуши “L”, ва ҳоказо.



Қадимги рус құшиқлари уишиб белгилар билан белгиланған зди. (XII-XIII асрлар). Бу белгилар құшиқ тәксті тағига ёзилар зди ва тавуш ішләнешләри ҳамда тақрор лашни билдираш зди.

Бундай белгилар кейинчалик гарбий Европа мусиқасыда бир, ёки иккى горизонтал чизикка қўйила бошлади. Бора-бора бундай горизонтал чизиклардан иборат нота йўли Европада оммалашиб борди. XI асрда Италия мусиқачиси Гвидо д Ареццо томонидан қайта ишланди. У ноталарни нота чизикларига жойлаштириш (ўша даврда нота йўли тўгри чизикдан иборат зди) йўлларини ишлаб чиқди. У ҳарфларни фақаттана чизикларга қўймай, балки чизиклар оралигига ҳам қўйган зди. Даврлар ўтиши билан бундай ёзиш услуби ҳозирги нота ёзуви учун асос бўлди, яъни кейинчалик товушлар баландлигини билдирувчи калитлар қўйилди. У товушларни “ут”, “ре”, “ми”, “фа”, “сол”, “ля” каби иборалар билан белгилаган зди. Бу эса олти босқичли товушқатор (тон, тон, ярим тон, тон, тон) поганалари зди. XVI аср охирига келиб бу товушқаторга яна бир босқич “си” товуши қўйилиб етти поганали товушқатор хосил қилинди. XVII асрнинг II ярмига келиб эса “ут” поганаси “до” ибораси билан белгилана бошлади. Дастреб ноталар жуфт эмас, балки учга бўлиниши бўйича белгиланди. Масалан: Максима нотаси энг узун нота бўлиб, у ўз навбатида учта узун нота бўлмиш лонга нотасига бўлинар эди. XVII асрга келиб ноталарнинг жуфт бўлиниши қабул қилинди. Нота ёзвулари ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди, эндиликда ноталар ўзаги тўртбурчак эмас, балки айлана ҳолга келтирилди. Нота ўзагига таёқчалар қўйиладиган бўлди. Маълумки, илгари ёзув ишлари “папирус” дарахти барига ёзиш билан олиб борилар зди. XVI асрга келиб қоғоз ишлаб чиқарила бошлагач, ноталар ҳам қоғозга ёзила бошлади ва нота ўзаги ҳам бўялган (кора) ва бўялмаган (ок) турларга ажратилди. Нота йўлидаги тўрт асосий чизик ўрнига ундан қулайроқ бўлган беш чизиқли нота йўли ишлатила бошлади. Европа мусиқасига хос бўлган кўп овозлиликни ёзиш учун бир нечта нота йўли қўлланиладиган булди. Нота йўллари устма-уст жойлаштирилиб, уларни бирлаштириш учун тўгри вертикал чизик ёки ёйсимон катта қавс (акколада) ишлатила бошлади.

Чолгу мусиқасида беш чизиқли нота йўлларидан фойдаланишга ўтиш анча узок изланишлар талаб қилди. Ҳатта XVII аср охирларида ҳам чолгу мусиқалари маҳсус табулатура орқали белгиланар зди, яъни ноталар ўрнига ҳарф ёки рақамлар қўйиш орқали товушлар баландлиги, нота йўлидаги қўшимча белгилар, динамикаси белгиланар зди. Бундай табулатура схемалари кўринишидан хилма-хил зди.



Лютня табулатураси

Италия 1507 йил

Фақаттинга XVII аср бошларига келиб бундай табулатуралар ўрнини ҳақиқий нота ёзуви эгаллай бошлади. Шуни ҳам айтиш мумкин XVII-XVIII асрларда Европа мамлакатларида қўлланилган нота ёзуви системаси ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларида фойдаланилаётган нота ёзувига асос бўлди, даслаб у ҳозирги даражада мукаммал эмас эди. Ҳозирги нота ёзув системаси асосан XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб тўла мукаммаллашиб бўлди. Замонавий нота ёзувининг мукаммалашувида Петербург ва Москва консерваториялари профессорлари Николай Яковлевич Мясковский (1881-1950) ва бошқаларнинг хизматлари бор.



Мензуралота ёзуви

1500 йил

Шуни ҳам айтиб ўтиш мумкинки, жаҳон мусиқа маданияти, ривожланиб борар экан нота ёзуви ҳам даврга мос такомиллашиб бораверади, чунки у ўзгармас қоида эмас,



яъни санъатнинг образлилик кўлами кенгаяди, у қамраб олган мусиқий мавзулар хилмажиллашади, янги-янги ифода воситалари кашф этилади. Бу эса нота ёзувида турли янги белгиларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Ноталарнинг жуфт бўлининиши

(XVI- аср охири XVII-аср бошларида қабул қилинган.

Унгача ноталар учга бўлинар эди.)

Бутун

The musical notation example consists of five horizontal staves of music. The first staff is labeled 'ЦЕЛАЯ нота' (Whole note) and shows a single note head with a vertical stem. The second staff is labeled '1/2 нота' (Half note) and shows two note heads with vertical stems. The third staff is labeled '1/4 нота' (Quarter note) and shows four note heads with vertical stems. The fourth staff is labeled '1/16 нота' (Sixteenth note) and shows sixteen note heads with vertical stems. The fifth staff is labeled '1/32 нота' (Thirty-second note) and shows thirty-two note heads with vertical stems. There are also rests indicated by vertical bars with diagonal slashes.

Соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлиги даврида кўплаб мамлакатлардан Самарқанд шаҳрига ҳунармандлар, ижодкорлар, ҳусусан санъаткорлар келтирилган бўлиб, улар орасида Кўтб ал-Мавсиий (XVаср) ҳам бор эди. Манбаларда Мавсилийнинг қайси юртдан Самарқандга келтирилганлиги тўғрисида маълумотлар учрамайди. Лекин, шуниси аниқки, у созанда, хонанда ва ижодкор сифатида Самарқанднинг XV аср маданияти тарихида ўз ўрнига эга бўлган таниқли ижодкорлардан бири эди. У айниқса най чалишда бекиёс қобилият эгаси бўлиб, мусиқа ва қўшиқчилик илмида устоз мақомида эди. Мавсилий оддий ва мураккаб, ясама ва асосий куйларнинг барча нагмаларини ўз созининг ҳар қандай бўлимида чала олган. Шунингдек, мақомлар туркумида асарлар яратган бўлиб, бу борада у устоз Абдулқодир Марогий билан тез-тез баҳслашиб турар эди. Темур саройидаги мусиқачилар орасида Кўтб ал-Мавсилийнинг муносиб ўрни бўлиб, у ўша давр рӯҳида кўплаб мусиқий асарлар яратди ва ўн икки мақом рӯҳида ҳам кўплаб мусиқий асарлар яратди ва ўн икки мақомнинг тўлиқ шаклланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиди¹⁷.

Маълумотларга асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки антик даврда Ўрта Осиёга хужум қилган Александр Македонский қўшинлари ҳам мусиқа садолари остида саф тортиб юрар эканлар, кушонлар салтанати даври (Эрамизнинг II –VII асрлари) да шоҳлар қўшинлари мардонавор қаҳрамонлик қўшиқларини куйлар, бурғу чолғуси уларни жангта чорлар довул (катта нағора) чолғу садолари остида улар ҳаракатланар эканлар.

Биз юқорида умумтаълим мактаблари мусиқа маданияти дарсларининг мусиқа тинглаш фаолият турини 6 синф I - ўқув чорагида тингланадиган “Феруз-I” мумтоз ашуласи (Оғаҳий газали Феруз мусиқаси) мисолида, қўшиқ куйлаш фаолият турини 7



синф II-чорагида “Она тилим-ўзбек тилим” (П.Мўмин шеъри Ф.Алимов мусиқаси) қўшиғи мисолида ҳамда мусиқа саводи фаолият турини эса,nota ёзуви, унинг пайдо бўлиши ва шакланиш тарихини ўрганишга доир тарихий далиллар мисолида, яъни ушбу тарихий далиллардан мусиқий фаолият турларида қандай фойдаланиш лозимлиги тўғрисида фикр юритдик. Умумтаълим мактаблари мусиқа маданияти дарсларидағи асосий мусиқа фаолият туридан яна бири ритмик ҳаракатлар бажаришдир. Бу фаолият турида асосан болаларни мусиқа ритмларига мос ҳаракатлар бажариш, жумладан мусиқа ритмига мос юриш, югуриш, гимнастик ҳаракатлар, чапак чалиш, аэробика, рақс, мусиқали ўйинлар ўйнапшга ўргатилади. Мусиқий фаолиятнинг ушбу турида ҳам тарихий далиллардан фойдаланиш мумкин. Мусиқали ритмик ҳаракатлар ичида болалар учун энг соддаси ва қизиқарлиси мусиқа билан юриш бўлиб, ҳаракатнинг бу турида болалар мусиқа ритмларини ҳис қилишни ва шу ритмларга мос қадам ташлашни ўрганадилар. Бундай қадам ташлаш кўпроқ 4/4 ўлчовида ёзилган куй қўшиқлар ва марш мусиқалари садолари остида бажарилади. Шундай экан, ушбу ўлчовларда ёзилган бирор асар, унинг муаллифи тўғрисида тарихий маълумотлар, ёки марш мусиқалари ва уларнинг ҳарбий характеристики тўғрисида тарихий маълумот бериш орқали ритмик ҳаракат фаолият турини тарих фани далиллари билан боғлаш мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, келтирилган тарихий далиллар биргина мусиқий асар мисолида кўрсатилсада, ўқув дастурида бундай тарихий далиллар асосида болаларга тарихий маълумотлар бериш мумкин бўлган кўплаб тингланадиган мусиқий асарлар, кўйланадиган кўплаб қўшиқлар ва бошқа тарихий фактлар мавжуд. Айниқса мусиқа саводи фаолият турида ҳар ўқув йилининг бошида, икки-уч дарс жараёнида болаларнинг ёш хусусияти ва синфига кўра nota ёзувининг пайдо бўлиши ва такомиллашишига доир юқорида биз келтириб ўтган тарихий далиллардан (оддийдан мураккабга томон) фойдаланган холда тушунча бера бориш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларга nota ёзуви ҳақида маълумот беришда мусиқашунос олимларимиз қолдирган манбалари муҳим аҳамият касб етади ва уларнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Фойдаланилган АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Ж.Ф.Йўлдошев, С.А.Усмонов. Педагогик технология асослари. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёти. 2004-йил.
2. Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогика технологияларнинг тадбиқий асослари. –Т.: “Фан” нашриёти. 2006-йил.
3. В.Н.Максимова. Межпредметные связи в процессе обучения. –М.: “Просвещение”. 1988-год.
4. С.Х.Йўлдошева. Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълим миннинг ривожланиши. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёти. 1985-йил.
5. Т.Е.Соломонова. Ўзбек мусиқаси тарихи. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёти. 1981-йил.
6. И.Ражабий. Мақомлар масаласига доир. –Т.: “Бадиий адабиёт” нашриёти. 1963-йил.
7. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 1996-йил.
6. И.А.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: “Шарқ” матбаа нашриёти. 1998-йил.
8. И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. –Т.: “Шарқ” матбаа нашриёти. 1999-йил.